ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 10 (237) | 2001 йил 14 март, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда



«МЕНИ ЙЎҚЛАБ ЯНА БАҲОР КЕЛДИМИ?..»

Худо раҳмат қилсин - сурхондарёлик ёзувчи Менгзиё ака Сафаров суҳбат-гурунгларда айтиб юрарди: «Оғаларим, бу дунё ўлмаганники». Ўтаркетар дунёда бу сўзлар бир таскин эди, холос. Аслида одам боласига гоҳи-гоҳида таскин ҳам керак экан. Орадан анча йиллар ўтгач, аниқроғи, мамлакатимиз истиқлолининг иккинчи йилида бу кўҳна юртнинг ўзига хос ва айни чоғда бетакрор шоири Шафоат Раҳматулло Термизий бир шеърида шундай ёзганди: « Ўлмаганга ушалажак армон келди». Ҳар иккала гапнинг ҳам гарчанд либоси бошқа-бошқа бўлса-да, аммо маъноси, мазмуни ва моҳияти бир эди.

Қаҳратон совуқлари билан чор-атрофни қийин-қистовга олган қиш анча эрта бўшашди. «Совуқ бўлса-да, менга нима!» дегандек Сурхон қирларида бойчечаклар аллақачон бўй кўрсатди. Ҳали олдинда бир ажойиб баҳор кунлари борлигидан хабар айтди-да, яна юйиб бўлди. Шунга ҳам шукрлар қилдик.

Саҳар-мардондан турфа қушларнинг чуғур-чуғури, кутилмаганда дов-дарахтларнинг куртак ёзмоққа тушгани бизнинг юракларга ҳам гулгула солиб қўйди: «Биродарлар, баҳор келганга ўхшайди!» Узоқ дардмандликдан мажолсиз бўлиб қолган беморлар қалбида ногаҳон умид уйғонди. Бу - Худо ато этган баҳорнинг шарофатидан эди. Ёши анча довонлардан ошган чоллар, кампирлар ич-ичдан шукрона айтиб, кўкламга илиқ бир нафас билан юзланмоққа тушдилар. Бу ҳам баҳор туфайлидир.

Кутилмаганда эса қиш ўз ўрнини баҳорга эрта бериб қўйганига аламдаими бугунги кунда яна қорини ташлаб қолди. Аммо вақт ўтган эди, бугундан яна қуёш чарақлади.

Ҳа, юртнинг баланд-пастига қалин қорлар тушди. Шунда одамлар баногоҳ сандал, танчаю печкаларни эслаб қолишди. Ҳолбуки, айрим фолбинлар аллақачон биров-яримнинг кўнглини совутиб улгурган эдилар: «Энди ёғингарчилик бўлмайди, қурғоқчилик ҳали давом этади». Ҳали қорнинг изидан ёмғирлар бўлади. Ҳолбуки... «Эгамнинг даргоҳи кенг экан...» дейишди одамлар. Қор-ёмғирлар ўт-ўланларнинг томир-томирига малҳам бўлиб қуйилди. Буюк бир қудратни, ҳикматни қарангки, ўт-ўланлар баногоҳ тирилмоққа бошладилар. Одамлар биладиларки, агар Қодир Зот истаса, бори оламни, ер бағрида кўринмай, билинмай ётган ўт-ўланларни ҳам тирилтираркан. Баҳор эса энди-энди бошланаяпти. Бизнинг умидимиз жуда кўп!

Маҳмуд АБУЛФАЙИЗОВ,
«Mahalla» мухбири.

САВОБГА ДАХЛДОР ТАДБИРЛАР

Шу яқин орада республикамиз аҳолисининг эътибори икки муҳим масалага - Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш ҳамда Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тадбирларига қаратилди. «Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раиси И.ШАРОПОВ билан мулоқотимиз ана шу икки ҳужжат ижроси ҳақида борди.

- Қомусимизда халқимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари, истиқболи акс этаркан, уни пухта билмоғимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Ахир биз озод ва обод, демократик давлат қураяпмиз.

Президентимизнинг Конституцияни ўрганиш тўғрисидаги фармойишидан сўнг «Маҳалла» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари раислари, раёсат аъзолари билан бирга бу соҳадаги аниқ режаларни белгилаб олдик. Вилоят ҳокимлиги; «Маҳалла зиёси» Республика ўқув-услубий маркази ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан имзоланган ҳамкорлик шартномасига мувофиқ институт ҳузурида фаолият кўрсатаётган маҳалла оқсоқолларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурига ўзгартириш киритилиб, тўрт соатлик ўқув вақти Конституцияни ўрганишга ажратилди. Маҳаллаларда Асосий Қонунимизни ўрганиш бўйича махсус университетлар ташкил этилди.

- Уларга кимлар жалб этилди ва машғулотлар қандай тарзда олиб борилади?

- Маҳалла университетларининг тингловчилари асосан уй бекалари, тадбиркорлар, ҳунармандлар, аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчалари ходимларидан иборат. Машғулотларни вилоятдаги олий ўқув юртлари олимлари, прокуратура, милиция ходимлари, адвокатлар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг масъул ходимлари олиб борадилар.

Қарши шаҳридаги Чақар, Самарқанд, Мағзон, Китоб туманидаги С.Раҳимов, Янгиобод, Санам, Хиромий, Қарши туманидаги Равот, Наврўз, Лаган, Паштон, Лағмон, Навбаҳор, Навоий номли маҳаллаларда ўтказилган дастлабки машғулотлар тингловчиларда жуда катта таассурот қолдирди.

- Вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда ўтказиладиган ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ойлигини маҳаллалар иштирокисиз тасаввур этиш қийин албатта.

- Шундай. Биз «Нуроний», «Наврўз» жамғармалари билан биргаликда вилоятнинг барча меҳнаткашларига қарата Мурожаатнома қабул қилдик. У вилоят газетасида босилди ҳамда барча жамоалар, маҳалла аҳли томонидан қизғин кутиб олинди.

24-25 февраль кунлари вилоятда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» муносабати билан шанбалик ўтказилди. Шу куни маҳаллалар фуқаролари кучи билан 210 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, кўчалар, ҳиёбонлар тартибга келтирилди, ариқлар тозаланди, кўп қаватли уйлар атрофи, кириш йўлаклари тартибга келтирилди. Қарши шаҳридаги ўнлаб маҳаллалар аҳолиси «Ҳўжаи жарроҳ», «Эшон шаҳид», «Жангал тепа», «Каманди», «Ашир ҳўжа» қабристонларини тартибга келтирдилар, атрофларини тозалаб, минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экдилар. Бундай тадбирлар Меҳрибонлик ва Саховат уйларида, шифохона ҳудудларида ҳам ўтказиляпти.

Суҳбатдош: Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

КЎНГИЛ ОРОЙИШИ

Сўлим баҳорни, Наврўзи оламни алоҳида тараддуд билан кутиб олиш ардоқли амаллардандир. Кўнгил оройиши, кўзлар қувончи, тўкин-сочин йил даракчиси, уйғониш, кўкариш сарҳади Наврўзни Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Оқтепа маҳалласида ҳар доим диққатга сазовор бир ташаббус, янгилик билан кутиб олиш одатга айланган.

Бу йилги Наврўзга тайёргарликни ҳам оқтепалик маҳалладошлар ажойиб ташаббус билан бошладилар. Ўзларининг савобли ҳимматларини маҳалла аҳолисига қаратилган қуйидаги мурожаатномада изҳор этдилар.

Савоб бардавом бўлса - ажри азмдир

Азиз ва муҳтарам маҳалладошлар!

Истиқлол диёримизнинг ҳар бир фуқаросига чинакам эрк ато этди, равнақ ва рўшнолик, диний эътиқод дарвозаларини кенг очиб берди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг доно сиёсати, саъй-ҳаракати ва йўл-йўриқлари билан ёруғ кунларга эришдик.

Биз, Оқтепа маҳалла меҳнаткашлари барча баробар, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва бурчлари доирасида маҳалламизнинг ободончилигига, муносиб ҳисса қўшмоқликка, ўз оилаларимизда, ўзимиз яшаётган кўчада, умуман маҳаллада қуйидаги хайрли ишларни амалга оширмоқликка азми қарор қиламиз.

Арғамчига қил қувват, дейди доно халқимиз. Мамлакатимизнинг ҳам ички, ҳам ташқи ҳимояси, обрўси, миллат ишларининг ҳар томонлама муваффақияти учун ҳамма қатори, биз оқтепаликлар ҳам савоб ишларни амалга ошириш, Йўлбошчимиз айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшашга ҳаракат қиламиз. Ҳашар йўли билан 505-болалар боғчасини, ўз моддий-молиявий маблағларимиз ҳисобидан таъмирлаб берамиз. Маҳалла гузарида 8-поликлиника шахобчасининг очилишига кўмаклашамиз. Маҳаллада спорт мажмуаси қурилишини қўллаб-қувватлаймиз. Маҳалламиз ҳузуридаги кутубхона асосида «Маънавият ва маърифат» марказини, кутубхонани ташкил этиб, уни кўргазмали қуроллар билан жиҳозлашга, янги китоблар билан бойитишга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Ўз хонадонимиз, яшаб турган кўчамизнинг гулларга буркаймиз, ҳар бир хонадон олдидаги, кўчалардаги бўш ерларга, албатта мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазамиз.

Биз ота-оналар, оқсоқоллар, шу жумладан табаррук Ҳаж сафарида бўлган ҳожилар аввало ўз маънавиятимизни шу йўлда мукаммал қилиб, чинакам намуна бўлишга мунсиб юриш-туриш фойдали ҳам манфаатли эканлигини ҳамиша, ҳар ерда - оилада, маҳаллада, жамиятда, Оллоҳ олдида теран ҳис этиб яшамоқликни таъминлаймиз.

Ҳаёт ҳеч қачон текис, равон кечмайди. Инсон умри давомида хоҳ якка ҳолда бўлсин, хоҳ жамоа орасида яшасин қийинчиликларга, мушкул вазият, воқеаларга турли фавқулодда фалокатларга, беморликларга учрайди. Иймонимиз комилки, Оллоҳ талаблари, жамият меъёрлари асосида яшаган, иродали, ахлоқ ва одобли киши бундай нохуш вазиятлардан деярли холи яшайди.

(Давоми 2-бетда.)

ШУ СОҲАНИНГ

2-саҳифасида:

- Оқтепанинг одамлари ҳар соҳада илғорлар
- Шаҳар кезган «шер» бола.
- Қонун лойиҳаси муҳокамада.

3-саҳифасида:

- Сийловнинг қадрига етмаган собиқ ходим...
- Кашта тикмай қўйдинг-ми, қизгина?
- Қизиқчи халқнинг аёллари ҳам қизиқчи-да!

4-саҳифасида:

- Пайғамбар сийрати акс этган тасвир.
- Юлдуз ёруғида ёзилган шеърлар...
- Бизнинг ҳожиларга ҳавас қиладилар!

«MAHALLA»ГА ЖАВОБ:

КАМЧИЛИКЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Чилонзор тумани ҳокими ижроия маҳкамаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси рўзноманинг 24 январ сонида босилган «Катта Чилонзордаги катта жанжал қачон тугайди?» сарлавҳали мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар хусусида шуни маълум қилади.

Туман «Маҳалла» жамғармаси, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш вакиллари ҳолатни ўрганиб чиқиш жараёнида маҳалла оқсоқоли М.Султонов ва котиби Ш.Обидхўжаев ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Унда маҳалла томонидан фармон ва қарорларни бажариш борасида бир қатор амалий ишларни амалга ошириш билан бирга жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Маълумки, бунгача 2000 йил 27 мартда туман ҳокимининг қарорида ҳам Чилонзор тумани прокуратураси ва туман назорат инспекцияси назорат тартибида ўтказган текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида худди шунга ўхшаш камчиликлар айтиб ўтилган эди ва бир нечта маҳаллалар қаторида «I-Катта Чилонзор» маҳалласи оқсоқоли М.Султоновни фуқаролар йиғинида лавозимдан озод этиш масаласи кўриб чиқилишга тақдим этилган, аммо унинг ёшини инобатга олиб вақтинча сайловларгача ўз ўрнида қолдирилиб, камчиликларини тўғрилаш ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш юклатилган эди.

Маълум бўлишича, маҳалла оқсоқоли М.Султонов ва котиби Ш.Обидхўжаев маҳаллада соғлом муҳитни ташкил қилиш борасида керакли даражада фаолият олиб бора олмаяптилар.

Газетада чоп этилган «Катта Чилонзордаги катта жанжал қачон тугайди?» фельетон ўрнидаги мақолада келтирилган масалалар «I-Катта Чилонзор» фуқаролар йиғинида муҳокама қилиниб, рўзномада келтирилган фактлар ўз исботини топди. Май ойида ҳисобот-сайлов мажлислари бўлиб ўтишини инобатга олиб, ҳисобот-сайлов мажлисигача ушбу раиснинг ишлаб туриши ҳақида кўпчилик билан келишиб олинди.

Б.А.САГАТОВ,
Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари.

НАЗОРАТНИНГ НАТИЖАСИ БОР!

«Mahalla» газетасининг 2000 йил 20 декабр 92-93 сонидаги «Фамхўрликка ҳалоллик ярашади» мақоласида Термиз шаҳар ҳокимлигининг назорат инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан назорат ўтказилганлиги, текшириш жараёнида ибратли ишлар билан бир қаторда шаҳардаги айрим маҳаллаларда давлат ғамхўрлигига нисбатан суиистеъмолчилик ҳолатлари мавжудлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Ушбу мақола Термиз шаҳар ва Термиз туман маҳалла оқсоқоллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш юзасидан Термиз шаҳар маҳаллаларининг тадбири ишлаб чиқилди.

Т.МУСТАФАҚУЛОВ,
«Маҳалла» жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими раиси.

СЕНГА БЎЛСИН ТОҒЛАР

Муқимий ғазалига мухаммас

Гайбиддин ФАЗЛИЕВ

Чўққиларда қор эрибдур шарқирар ирмоғлар,
Қурт-қумурсқа, бори жонлар уйғониб жилмоғлар,
Йўқтур эмди қиш-қировдан андиша қилмоғлар,
Наврўзхон очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоғлар.

Солланиб мен ҳам бугун ўзимга дилдор танлайин,
Ҳажрида орзудаменким, жонга маҳрам айлайин,
Макру ҳийла ўргатурму унга шайтони лаин,
Руҳ очиб кўздин ниҳон бўлса парилек, найлайин,
Айрилиб хушу ақлдин телба бўлмай соғлар.

Во дариғ, асраб етим ўзингга ағёр айласанг,
Панд берарлар дўст билиб ишингга ҳамкор айласанг,
Бегам ўрлаклек сузарлар ашкни анҳор айласанг,
Марҳам истаб кимсадин, азм изҳор айласанг,
Чоран қилмоқдин ўзга устига тириғлар.

Дому ризқ деб банд ўлибмиз дастгоҳу асбоб ила,
Зах совуқдан дирқираб вақт ўтказибмиз хоб ила,
Юз кўришмай заҳфарондур анвару офтоб ила,
Хуш бу мафилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар,

Майли, ёлғизлик азалдан қисматимда бор экан,
Йўлда ҳамроҳим қаламдур, Ҳамдамим ашъор экан,
Баски шоирман таниғлиқ, бул нечук инкор экан,
Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоғлар.

Гар таҳаллусда Муқимман бўлмади жойим муқим,
Ўтди ҳасрат комида ҳар кун, туну ойим муқим,
Туфроқ ўлдим Фазлиё ҳар ким тепар лойим муқим,
Тобакай мунлоғ маломат кунжида доим Муқим,
Бу замон кўз тутгин эмди, сенга бўлсин тоғлар.

Тошкент вилояти

ҲОКИМ ТАШАББУС БОШЛАДИ

Туманимизга Саиджон Тошхўжаев ҳоким этиб тайинлангандан сўнг тумандаги мавжуд маҳаллалар ҳаётига эътибор ижобий томонга ўзгарди. Ҳоким тумандаги маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раисларини йиғиб, уларни ўйлантираётган муаммоларнинг ечими юзасидан чоралар тайинлади. Бундан оқсоқолларимиз янада руҳланиб, ғайратларига-ғайрат қўшилиб кетди. Туман бўйлаб кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, айниқса, мевали дарахтларнинг кўплаб экилиши таклиф этилди. Айни кунларда оқсоқолларимиз ҳокимнинг ташаббусларига «лаббай» деб жавоб бериб, амалий ишга киришиб кетганлар.

Толиб ТЎРАЕВ.
Қибрай тумани.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

КЎЧАГИМИЗ ОБОДОНЛИГИ

(Боши 1-бетда)

Биз юксак камоли инсон талаблари даражасида ҳаёт кечирмоқликка эришиш чораларини кўрамиз. У ёки бу оилаларда онда-сонда учраб турадиган келишмовчиликлар, жанжал, шовқин-суронлар ва бошқа ноҳушликларга бефарқ бўлмай, улардан доимо бохабар бўлиб, ўзимизнинг улуғ ёшимиз, ақл-идрокимиз ва обрў-эътиборимиз билан уларни бартараф этишда фаол қатнашамиз.

Ҳар биримиз ўзимиз яшаётган кўчада ишга қобилиятли, балоғатга етган ва етмаган, лекин ўқимайдиган, бирор бир ерда ишламайдиган ёшларга бефарқ бўлмайлик, бунинг сабабини аниқлаб уларни ишга жойлаштириш борасида амалий ёрдам берайлик. Ўз фарзандларимиз ва даҳамиз, кўчамиз ва умуман маҳалламизда яшаётган ҳар бир ёшга тарихимиз, маънавиятимиз ва маданиятимизни чуқур англатайлик, мустақилликнинг моҳияти, Ватан туйғуси ва ватанпарварлик масалаларини тушунтириб, уларни Ватанга садоқатли бўлиш руҳида тарбиялайлик.

Ҳар биримиз меҳр-оқибатли, раҳм-шафқатли ва саховатли бўлайлик. Ён атрофимиздаги кам таъминланган, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож оилалардан доимо хабардор бўлиб, уларга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзайлик. Шунга эришайликки, биз яшаётган ҳар бир кўчада, ҳар бир даҳада ногирон ва қаровсиз қолган болалар ва қариялар мутлақо назардан четда қолмасинлар. Биз уларни алоҳида назорат остига олиб, уларга ёрдам бериш чораларини кўрайлик. Ўзига тўқ, саховатли оилаларга, маҳалладаги ишбилармонларга уларни бириктириб, дори-дармон, озиқ-овқат билан таъминлаш ишларини йўлга қўяйлик.

Эзгуликка чорловчи ихтиёрий ҳиммат, саховат имкониятларини бирлаштириб, ҳалол, бегараз меҳнат меваси, маънавият, камолот нишонаси қалбида жўш урган маҳалладошларнинг ғайрат-шижоат учқунларини ягона тандирга жойлаб маҳалла нонини бутун қилишга интилган фуқаролар йиғини раиси Мақсуд ота бошлиқ, Ҳамидулла ака, Неъмат ака, Одил ака, Наби ака, Ҳаёт ака, Турғунжон каби маслаҳатчиларнинг ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан юзага чиққан йирик, ибратли маҳаллалардан ҳисобланган Оқтепанинг ушбу «Наврўз» даъвати тумандаги маҳаллалар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз» байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги Қарори маҳалла аҳлини ўз ташаббуслари борасида янада маҳкамроқ бел боғлаб ишга киришишга рағбатлантирди.

Маҳалла жамоасига кўнгилли равишда ўз хоҳиш-иродалари билан қўшилган хоҳ оқсоқол бўлсин, хоҳ ёш бўлсин эркакгу аёл Наврўзолди тайёргарлиги ҳақида гап кетар экан давр ўзгаришларига, ислоҳотлар талабига, тикланиш, янгиланиш фаслига мослаша бошлаганини кўрдик. Қадимий ва навқирон маҳалла жонланиб, уйғонганини ҳис этдик. Раҳим ота Ҳожимуҳамедовнинг сўзларига диққат қилсангиз, бу янгича ёндашувни яққол сезасиз.

- Биз, азиз биродарлар, - деб маҳалладошларига мурожаат этдилар отахон, - Ободагарчилик, ободончилик ишларини ўз ҳовлимиз, остонамиздан бошласак, нима дейсиз. Илгарилари хонадонда ўрача бўларди-да, шиша, темирдан бошқа супиринди нарсалар ўшанга ташланиб, устига тупроқ солиб чиритиларди, ўғит бўларди. Дарвоза тагида ҳеч нарса кўринмасди. Шукур, давлатимизга раҳмат, ҳовлили, хусусий уйларда яшаймиз. Келинг, ҳозир ҳам шундай имконият қидирайлик, қарабсизки ҳаммаёқ топ-тоза. Энди тарбия борасида. Халқимизда, қадимдан, бир болага етти қўшни ота-она, деган гап бор. Кейинги пайтда баъзилар шундай ажойиб ҳикматни унутган кўринишади. Бирон-бир болага танбеҳ берсангиз, сизга нима, ота-онаси бор, дейишади. Йўқ, оғайнилар, кўпдан қуён қочиб қутулмайди. Ёшлар тарбиясига ҳаммамиз баробар киришайлик. Кейинги пайтда турли оқимларга эришиб кетмасди, айрим ёшлар, биз ўша ота-боболаримиздан қолган удумларга, ҳикматларга амал қилганимизда.

Гапнинг қисқаси, фақат бугун эмас, ҳамиша ҳамжиҳат бўлайлик, шунда маҳалламиз ҳам, туман, шаҳримиз ҳам озод, юртимиз ҳам обод бўлади Наврўз шод ўтади.

Отанинг сўзларини қўллаб, Аҳмаджон ака Ҳидоятов баъзи камчиликларга ўзлари ҳам, маҳаллий жойлардаги боқи беғам айрим мутасаддилар ҳам сабабчи бўлаётганликларини таъкидлади. Айниқса, ичимлик водопровод ҳамда ариқ сувларининг маҳалланинг ҳамма бурчагига бирдай таралмаётганини, сув исроф қилинаётганини, мисол тариқасида келтириб фикрини исботлаб берди.

Носир ака Назаровнинг куйиниб ўртага ташлаган фикрлари, мустақил Ўзбекистонимизда фуқароларнинг онги ўсиб, демократик, адолатли жамиятни барпо этишга нақадар етишиб бораётганини намойиш этади. Ҳаммани, сўздамас, анжумандамас, амалда ўзини кўрсатишга даъват этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромовнинг буюк аждодимиз Абу Наср Фаробийнинг Фозил шаҳар тўғрисида: «Инсонлари ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдам бериш учун бирлашган шаҳар - фозил шаҳардир ва саодатга эришиш мақсадида бир-бирига ёрдам берувчи инсонлар жамоаси - фозил жамоадир. Барча шаҳарлари саодатли бўлиш йўлида бир-биридан ёрдамни аямагувчи халқ (миллат) - фозил халқ, фазилатли миллатдир...», деган орзулари рўёбга чиққан мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкентда барча жабҳаларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги ахборот йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Акмал Икромов туман ҳокими Абдулқосим Маҳмудов тумандаги ободончилик, қурилиш, тарбиявий ишларида маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳиссалари арзигулик бўлаётганини таъкидлади. Бунда Оқтепа сингари ташаббускор маҳаллаларнинг фаолияти намуна бўлаётганига урғу берди.

Маҳалла аҳли, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида янада фаолроқ, фидокорроқ бўлишга ҳамиша тайёр эканликларини, ишга бел боғлаб киришишларини баён этдилар.

Эзгу ниятингизга Оллоҳ етказсин, азизлар!

Расул РАҲМОНОВ.

Ҳар маҳаллада спорт майдони бўлса... *Қашқадарё*

РАВОТДА СПОРТ МАЖМУИ ИШГА ТУШДИ

Қарши туманидаги Равот маҳалласида турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Унинг атрофида бир қатор кўп қаватли уйлар ҳам жойлашган. Туман ҳокимияти бу ерда ёшлар гавжумлигини эътиборга олиб, спорт мажмуаси қурилишини айнан шу маҳалладан бошлади.

Уч миллион сўм сарфланган спорт мажмуаси асосан ҳомий ташкилот туман машина-трактор Парки давлат акционерлик жамияти томонидан жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. Бу ерда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, миллий кураш каби турлари билан шуғулланиш ҳамда мусобақалар ўтказиш учун тўла шароит мавжуд. Мажмуани керакли спорт анжомлари билан таъминлашда тумандаги лицей маъмурияти ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Стадион атрофини ободонлаштириш ишларини маҳалла аҳолиси ҳашар йўли билан амалга оширмоқдалар.

Айни вақтда вилоятдаги 20 дан ортиқ маҳаллада спорт мажмуалари, стадионлар қурилиши илдам суръатларда давом этмоқда.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент

ҚУРУВЧИ ҲАМ, ЎЙИНЧИ ҲАМ — ЎЗИМИЗ!

Қадим тарихга эга бўлган юртимизда ёшлар камолоти, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб келинган. «Камолот» ёшлар ҳаракатини унинг вакиллари хоҳиш-истагига мос равишда шакллантирилаётган экан, бу қувонарли хол. Ҳақиқатан ҳам ўзбекистонлик навқирон авлодни турли юя ва мафкуралардан холи бўлган уюшмага бирлаштириш эҳтиёжи анчадан буён пишиб етилган эди.

Фақат гап ҳозирги кунда бу ҳаракат қандай шаклда бўлиши ҳақида кетаяпти. Менимча, спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари ёшларимизни бирлаштира оладиган ҳақиқий соҳа бўла олади. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада спорт майдончаларини барпо этиш ташаббуси жуда ўринли таклиф бўлди. Бизнинг Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Бобоохун Салимов номидаги маҳалламизда ҳам спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли. Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Холидахон Турғунбоеванинг ўзи шахмат-шашка бўйича спорт устаси бўлгани учун ёшларнинг ҳам спортга бўлган қизиқишларини кучайтиришга алоҳида эътибор беради. Шунингдек, теннис, волейбол, баскетбол, футбол, шахмат-шашка бўйича маҳалламизда беллашувлар ўтказилиб турибди. Бизнинг ниятимиз, маҳалламизда ёшларимизнинг бу спорт турлари билан жиддий шуғулланишлари учун махсус майдонча ва қурилмалар барпо этилса. Масалан, маҳалламизнинг бир четида кўпдан буён бўшаб ётган чала, иншоот идорамиз тасарруфига берилганида эди, уни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун ҳомийлар ҳам топилган бўларди. Қолаверса, истиқомат гўшамизда 2 та мактаб мавжудлиги туфайли, 282-мактабни махсус спорт мактабига айлантириш мумкин.

Асқар ҲУСАНОВ, пенсионер.

ТЎЛҚИНЛАР ТАРАТГАН ХАБАРЛАР

● **Бундан қарийб бир ой илгари Туркияда рўй берган иқтисодий буҳрон хорижий сармоядорларни маблағларини қайтариб олишга потенциал сармоядорлар нигоҳини бошқа мамлакатларга қаратишга ундай бошлаганидан хавфсираган мамлакат раҳбарияти шошилинч чоралар кўришга киришди. Бу борада илк қадамлардан бири янги иқтисодиёт вазирини тайинлаш бўлди. Бу лавозимга асли келиб чиқиши турк миллатига мансуб бўлган ҳозиргача жаҳон банки раисининг муовини бўлиб ишлаб келган Камол Дарвеш тайинланди. Янги вазир шу кунларда АҚШда жаҳон банки, халқаро валюта ташкилоти раҳбарлари билан Туркияга бериладиган янги қарзлар устида музокаралар олиб бормоқда, деб хабар беради «Озодлик» радиоси.**

* * *

● Мана бир неча кундирки Индонезия пойтахти Жакартада кўп минг кишилик намойиш давом этмоқда. Улар шаҳарнинг йирик кўчаларини тўсиб мамлакат президенти Абдураҳмон Аоҳидни истефо беришини талаб қилмоқдалар. Намойишчилар президентни коррупция ва мамлакатда давом этаётган зўравонликни тўхтата олмаётганликда айбламоқдалар. Чет эллик мутахассислар Индонезияда яқинда иқтисодий кризис рўй бериши ҳақида огоҳлантирмоқдалар.

* * *

● **Коспит денгизи ҳавзасидаги Кожеган конини ривожлантириш орқали Қозоғистон яқин тўрт йил ичида газ қазиб чиқаришни беш марта оширмоқчи. «Казтранегаз» корхонасининг бошлиғи Н.Ашимов сўзларига қараганда республика 2005 йилга бориб йилига 50 миллиард куб. метр газ ишлаб чиқаради. Шу боисдан ҳам ушбу ташкилот бу табиий бойликни кимларга сотиш ҳақида ўйламоқда ва айни чоғда Россиянинг «Газпром» ташкилоти билан музокаралар олиб бормоқда.**

* * *

● Бугун Россия давлат Думасининг депутатлари Михаил Касьянов бошчилигидаги ҳукуматга ишончсизлик масаласини кўриб чиқади. Ушбу масала коммунист депутатлар томонидан тақдим этилган бўлиб уни баъзи фракциялар ҳам қувватлаган. Мажлисда Россия коммунистларининг лидери Г.Зюганов докладидан сўнг у, бегоналар борлигига қарамай, Худойберди бобога бир ой олдин олган 40 минг сўм қарзини қайтариб берди. Чол пулларни санаб беришни холис одам сифатида ишонч билдириб Умрзоқдан сўради. Умрзоқ чолнинг илтимосини бажарди. Пулни топширгач Ҳотам уйига кетди.

Умрзоқ билан Руслан хонасига киришиб, алламаҳалгача шаҳарликлар ҳаёти билан қизиқдагилар ҳаётини қиёслаб-солиштириб суҳбатлашиб ўтиришди.

- Нимага чолга шунча кўп пул берди? Чол нафақахўр бўлса, бунча пулни қаердан олади? - деб сўради ўзини сездаликка олиб Руслан.

-Бу пуллар чолнинг даромади. У пулларни тишининг ковагида асраб маълум миқдорга етгач, уни «оборот»га қўйган. Чол-кампир нафақалари ҳамда «оборот»дан тушган фойда ҳисобига кун кўришади, яъни пулларни қарзга бериб, фоизи билан қайтариб олади, - деб тушунтирган бўлди, «кўпни кўрган» Умрзоқ.

Русланга «белни оғритмай пул топиш»нинг бу усули маъқул тушди.

Шунақа «ширин» ўй суриб, уйқуси келмаётган Русланнинг кўнглига шайтон ҳам далда берди: Бу аҳволда қачон пул ишлаб топади. Яхшиси, чолнинг мўмай пулини ўмарса-чи?

Миясига келган бу шайтон васвасасидан сесканиб кетди. Ўйлаганидан қўрқиб тавба қилди. Аммо дилининг бир четида, барибир, шу ниятнинг илдизчаси қолаверди. «Ёмонлик тез илдиз отади»,-деганларидек, унинг кўнгли тубида қолган ғаразли ният кундан-кун кучая борди.

Ёзда Умрзоқ қишлоққа қайтиб кетди. Бу Русланга ўз режасини амалга оширишга қулай имконият туғдирди. Бахтига шу куни уйда чол-кампир ва ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Руслан хонасида ўтириб чол-кампирнинг ухлашини кутди. Тун яримдан ўтганда ҳовлига чиқиб, ҳар эҳтимолга қарши зинапоя олдида турадиган дурадгорлик асбоблари солинадиган қути ичидан эҳтиётлик билан темир дастали болғани олди. Очиқ деразадан чол-кампир ухлаб ётган хонага кирди ва ширин уйқуда ётган Худойберди бобонинг бошига болға билан ура кетди. Шовқиндан чўчиб уйғонган Мария холанинг ҳам бошига болға билан туширди. Чол-кампир жимиб қолгач, у хонани титкилай бошлади. Ҳеч нарса тополмагач, Худойберди бобонинг бармоғидаги тилла узукни ечиб олди. Жиноят изини яшириш мақсадида болғани ҳожатхонага олиб бориб ташлади. Қайтиб келса Мария хола деразадан аранг бошини чиқариб, қон қусаётган экан. Руслан шу заҳотиёқ қутича ичидаги тешани олиб, уйга отилиб кирдида, ваҳшийларча чол-кампирни ура кетди.

Чол-кампирнинг ўлганига ишонч ҳосил қилган Руслан тешани ҳам болғани ташлаган жойга ташлади. Сўнг уйдан аста ғойиб бўлди. Руслан тўғри ҳамқишлоғи Абдимурод ижарада турадиган уйга борди.ва шу ерда тунади.

Эрталаб тилла узукни дўстига кўрсатди ва ундан харидор топиб беришни илтимос қилди. Дўсти узукни қаердан олганлигини сўраганида, Руслан Жума шаҳрида яшовчи бувисиники эканлигини, бувисига эса пул керак бўлиб қолганлиги туфайли уни сотиб беришни сўраганлигини айтди.

Харидор ҳам тезда топила қолди. Руслан узукни 10 минг сўмга пуллади.

Шу тариқа Руслан Ўроқов шайтон васвасасига учиб, қотилликка қўл урди. Аммо жиноятини яшира олмади. У қўлга олинди. Иш вилоят судида ҳар томонлама таҳлил қилиниб, Руслан олий жазога ҳукм қилинди.

Эсиз умр. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Русланнинг бу кўйга тушиб қолишига ким айбдор?! Ахир у онасидан жиноятчи бўлиб туғилмаган-ку! Нега ота-онасиз яшаётган Русланнинг тақдири оға-иниларини, маҳалладошларни қизиқтирмади, наҳотки «отанг-маҳалла, онанг маҳалла» дейилган умр сабоғи уларга бегона бўлса.

М. ШУКУРУЛЛАЕВ
Самарқанд вилоят судининг судьяси.
Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қизлархон Вашингтонда

Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова раҳбарлигидаги «Муножот» ансамбли ўтган якшанба куни Вашингтондаги Кеннеди номли санъат саройида концерт берди. Гуруҳ қатнашчиларининг ҳар бир чиқиши томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида ўтди. Айниқса, «Бухороча», «Самарқандча», «Лазги» рақслари, хушовоз хонанда Зулайҳо Бойхонованинг «Алла»си, умуман ансамбл аъзоларининг миллий кийимлари, ғарбдагидан фарқли ўлароқ дирижерсиз ижро этилган музика залда ўтирганларни лол қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

Балоғат кўчасида

ШАЙТОН ВАСВАСАСИ ДОМИДА

Одам ёшлигидан ҳаётнинг қаттиқ зарбаларига учрамасин экан. Бунинг устига бошига оғир синовлар тушганида ёнида ёрдамчиси, маслаҳатгўйи бўлмаса, бу зарбаларнинг кучи янада кучлироқ билинади. Бундай пайтда тўғри йўлдан адашиб, қинғир йўлга кириб кетиш ҳеч гап эмас.

Пастдарғомда туғилган Руслан отасидан эрта айрилди. Шундан сўнг онаси уни ўзи туғилиб ўсган Нуробод туманининг Бешқудуқ қишлоғига олиб келди. Улар қишлоқдаги оғайнилари ёрдами билан рўзғорини энди изга тушира бошлаганида, яна бахтсизлик рўй берди. Руслан онасидан ҳам айрилиб, ғирт етим бўлиб қолди. У 9-синфни битиргач, мактабга ҳам бормай қўйди. Руслан учун «ҳа» дегани хўжа йўқ, қўрқитгани бўжи йўқ дейдиган кунлар бошланди. Кун кечириш мақсадида пул топиш мумкин бўлган ҳар хил ишларни қилиб юрди. Ана шундай кунларнинг бирида Самарқандда таълим олаётган маҳалладош ўртоғи Умрзоқ уларникига келиб қолди. Умрзоқ дўстига Самарқандга бориб, пул топишни маслаҳат берди. Уни катта шаҳар қизиқишлари ўзига тортди. Улар шаҳардаги Хўжа Аҳрор Вали маҳалласида яшай бошладилар. Умрзоқ кўпдан буён шу ерда ижарада туриб, уй эгалари билан синашта бўлиб қолганди.

Бир куни кечки пайт икки ўртоқ чол-кампир билан суҳбатлашиб турганларида, Худойберди бобонинг жияни Ҳотам кириб келди. Саломаликдан сўнг у, бегоналар борлигига қарамай, Худойберди бобога бир ой олдин олган 40 минг сўм қарзини қайтариб берди. Чол пулларни санаб беришни холис одам сифатида ишонч билдириб Умрзоқдан сўради. Умрзоқ чолнинг илтимосини бажарди. Пулни топширгач Ҳотам уйига кетди.

Умрзоқ билан Руслан хонасига киришиб, алламаҳалгача шаҳарликлар ҳаёти билан қизиқдагилар ҳаётини қиёслаб-солиштириб суҳбатлашиб ўтиришди.

- Нимага чолга шунча кўп пул берди? Чол нафақахўр бўлса, бунча пулни қаердан олади? - деб сўради ўзини сездаликка олиб Руслан.

-Бу пуллар чолнинг даромади. У пулларни тишининг ковагида асраб маълум миқдорга етгач, уни «оборот»га қўйган. Чол-кампир нафақалари ҳамда «оборот»дан тушган фойда ҳисобига кун кўришади, яъни пулларни қарзга бериб, фоизи билан қайтариб олади, - деб тушунтирган бўлди, «кўпни кўрган» Умрзоқ.

Русланга «белни оғритмай пул топиш»нинг бу усули маъқул тушди.

Шунақа «ширин» ўй суриб, уйқуси келмаётган Русланнинг кўнглига шайтон ҳам далда берди: Бу аҳволда қачон пул ишлаб топади. Яхшиси, чолнинг мўмай пулини ўмарса-чи?

Миясига келган бу шайтон васвасасидан сесканиб кетди. Ўйлаганидан қўрқиб тавба қилди. Аммо дилининг бир четида, барибир, шу ниятнинг илдизчаси қолаверди. «Ёмонлик тез илдиз отади»,-деганларидек, унинг кўнгли тубида қолган ғаразли ният кундан-кун кучая борди.

Ёзда Умрзоқ қишлоққа қайтиб кетди. Бу Русланга ўз режасини амалга оширишга қулай имконият туғдирди. Бахтига шу куни уйда чол-кампир ва ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Руслан хонасида ўтириб чол-кампирнинг ухлашини кутди. Тун яримдан ўтганда ҳовлига чиқиб, ҳар эҳтимолга қарши зинапоя олдида турадиган дурадгорлик асбоблари солинадиган қути ичидан эҳтиётлик билан темир дастали болғани олди. Очиқ деразадан чол-кампир ухлаб ётган хонага кирди ва ширин уйқуда ётган Худойберди бобонинг бошига болға билан ура кетди. Шовқиндан чўчиб уйғонган Мария холанинг ҳам бошига болға билан туширди. Чол-кампир жимиб қолгач, у хонани титкилай бошлади. Ҳеч нарса тополмагач, Худойберди бобонинг бармоғидаги тилла узукни ечиб олди. Жиноят изини яшириш мақсадида болғани ҳожатхонага олиб бориб ташлади. Қайтиб келса Мария хола деразадан аранг бошини чиқариб, қон қусаётган экан. Руслан шу заҳотиёқ қутича ичидаги тешани олиб, уйга отилиб кирдида, ваҳшийларча чол-кампирни ура кетди.

Чол-кампирнинг ўлганига ишонч ҳосил қилган Руслан тешани ҳам болғани ташлаган жойга ташлади. Сўнг уйдан аста ғойиб бўлди. Руслан тўғри ҳамқишлоғи Абдимурод ижарада турадиган уйга борди.ва шу ерда тунади.

Эрталаб тилла узукни дўстига кўрсатди ва ундан харидор топиб беришни илтимос қилди. Дўсти узукни қаердан олганлигини сўраганида, Руслан Жума шаҳрида яшовчи бувисиники эканлигини, бувисига эса пул керак бўлиб қолганлиги туфайли уни сотиб беришни сўраганлигини айтди.

Харидор ҳам тезда топила қолди. Руслан узукни 10 минг сўмга пуллади.

Шу тариқа Руслан Ўроқов шайтон васвасасига учиб, қотилликка қўл урди. Аммо жиноятини яшира олмади. У қўлга олинди. Иш вилоят судида ҳар томонлама таҳлил қилиниб, Руслан олий жазога ҳукм қилинди.

Эсиз умр. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Русланнинг бу кўйга тушиб қолишига ким айбдор?! Ахир у онасидан жиноятчи бўлиб туғилмаган-ку! Нега ота-онасиз яшаётган Русланнинг тақдири оға-иниларини, маҳалладошларни қизиқтирмади, наҳотки «отанг-маҳалла, онанг маҳалла» дейилган умр сабоғи уларга бегона бўлса.

М. ШУКУРУЛЛАЕВ
Самарқанд вилоят судининг судьяси.
Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон республикаси шаҳар ва туманларида фуқаролар, ўқувчи ва талабалар билан бўлиб ўтган қизиқарли суҳбатлар Конституция моҳиятини тушунтиришга бағишланди.

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Конституция кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқида ҳамда «Ўзбекистон республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишида Бош Қонун - Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккур ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш вазифаларига қаратилди.

Бир ҳафта давом этган тадбирларда Тошкент ва Нукусдан келган олимлар, адлия, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Конституциянинг асосий нормалари, уларни ҳаётга татбиқ этиш ҳақида маърузалар ўқиди. Суҳбат иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга аниқ жавоблар олди. Асосий Қонунни ўрганишга бағишланган суҳбатларда Ўзбекистон республикаси

Конституциявий судининг раиси Б.Эшонов қатнашди.

А.Искандаров,
ЎзА мухбири

✦ Қонун лойиҳаси муҳокамада

ҚОНУНЛАР МОНАНДЛИГИ БЎЛСА...

Шу кунларда республикамизда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири муҳокама қилинмоқда.

Прокуратура тўғрисидаги Қонун билан асосан шу соҳа ходимлари иш олиб борса-да, унинг умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилиниши мамлакатимизда бошқарувнинг демократлаштирилишига катта эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

Қонун лойиҳасининг 1-моддасидаёқ **«Прокуратура... қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлат органи»** - дейилган. Бу фикрга сўзсиз қўшилмоқ керак деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасининг 10-моддаси 1-бандида қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тегишли ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органларнинг қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни амалга оширилмоқда. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-11 ва 13-моддаларида фуқаролар йиғинлари ва уларнинг раисларига ҳам қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Мен ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларни ижро этишни таъминлаш борасидаги масъулиятларини янада ошириш ва бу органларнинг жамиятда тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, иккала қонунни бир-бирига мутаносиблигини таъминлаш мақсадида «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 1-бандини «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тегишли ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва бошқа органларнинг қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради» - деб ўзгартиришни таклиф этаман.

Қонунда турли даражадаги прокурорларнинг ваколатлари умумлаштириб кўрсатилган. Шу ваколатлар аниқ-лўнда ифода этилиши лозим, деб ўйлайман.

Мазкур масалалар юзасидан прокурорларга мурожаат этувчиларга қулайлик яратиш ва турли даражадаги прокурорларнинг фаолиятларига аниқлик киритиш мақсадида туман, шаҳар, вилоят ва бошқа прокурорларнинг ваколатлари алоҳида белгилаб берилса яхши бўлмасмикин?

Б.УСМОНОВ,
Қибрай шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг раиси.

✦ МАҲАЛЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Наманган вилояти

ИЛҒОРЛАРГА ВИДЕОИККИЛИК

Наврўз айёми муносабати билан республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйган «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» Наманган вилоятида ҳам қизғин ташаббуслар билан давом этмоқда. «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлинмалари фуқаролар ва ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаатномалар эълон қилиб, «Туманимизни обод гўшага айлантирамиз», «Намунали кўча», «Энг кўркам ва обод маҳалла» сингари танловларни ташкил этишаётир. Кўча ва ҳовли ариқлари тозаланиб, дарахтлар оқланиши, уларга шакл берилиши, қабристонлар тозаланиб, ободонлаштирилиши кўрик-танловнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Ҳозиргача танлов голибларига бериладиган видеоиккилик, телевизор ва гиламлар тайёрлаб қўйилди.

Наврўз - янги кун, уйғониш, ободонлаштириш айёми бўлиш билан бирга, халқимизни меҳр-мурувватга, саховатга чорловчи айём ҳамдир. Шу туфайли байрам баҳона маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирланиб, ўзларига меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. Якка-ёлғиз фуқаролар ва меҳрибонлик уйларидан хабар олиниб, уларнинг шароитлари ўрганиб чиқилмоқда.

Мирза РАҲИМ.

Самарқанд

ҲАШАР

Ҳар гал ўлкамизга Баҳор қадам ранжида қилиши биланоқ жойларда ободонлаштириш тадбирлари одат тусига кириб қолмоқда. Ана шундай ҳашарлардан бири яқинда Самарқанд шаҳар, Сиёб тумани «Оби Машат» маҳалласида ҳам ўтказилди. Обид Тоиров, Неъмат Усмонов, Мавлуд Аббосов каби маҳалла фуқароларининг саховати туфайли энди кўчалар текис ва кечалари ёруғ бўладиган бўлди.

Шу куни маҳалладаги Аҳмад Ҳамроқулов номидаги спорт соғломлаштириш мажмуида спорт устаси, бир неча бор халқаро мусобақалар голиби А.Ҳамраев ўз шогирдлари билан юнон-рум кураши бўйича кўргазмали чиқишлар қилди.

Бу ҳашарни ўтказишдан мақсад маҳаллада тозаликни сақлаш, ҳар хил касалликларни олдини олиш ҳамда гўзал Самарқанд шаҳрига ўзимизнинг камтарона хизматимиз билан янада чирой киритишдан иборат бўлди дейди маҳалла оқсоқоли Мамажон Аҳмедов.

Даъват

УЙИМИЗ ТОЗА, ШАҲРИМИЗ-ЧИ?

Шаҳримиз бекатларидан бирида гурунглашаётган кишиларнинг ҳаракати эътиборимни тортди. Ҳангома асносида бири чўнтагидан шишача чиқариб қопқоғини очди. Кафтига нос тўкиб, тили тагига ташлади. Сўнг ўйламай-нетмай кўча ўртасига туфлади... Басма-басига шериги ҳам устмауст қақириб тупурарди...

Бу «манзара»дан кўнглим айниётганди, рўпарадан келаётган йигит-қизларнинг қиликларини кўриб баттар бўлди. Сулувгина қиз сақич чайнаб, лунжида пайдо бўлаётган тупугини ён-атрофга беаёв туфлар, йигитлар эса писта чаққанча пўчоғини пуфлашарди.

Ногоҳ катта кўча четида тўхтаган енгил машина ойнаси очилиб, папирос қолдиғи улоқтирилди, орқа эшикдан эса бўшаган бутилка йўл четига ирғитилди...

Йўлакка назар ташладим; ҳар қадамда писта пўчоғи, папирос қолдиғи... Ҳатто, эрталаб озодагина турган метронинг зиналаригаям қараб бўлмайди...

Хўш, дуч келган ерга тупуриб, бурнини қоқиб, писта пўчоғини, папирос қолдиғини, оғзидаги сақични ташлаб кетаверадиганларнинг ўзлари шундай ҳолга дуч келишса нима қилишаркин? Таъби тирриқ бўлмасмикин? Жирканмасмикин? Ё, ўзича ижирғанган бўлиб, тағин...

Шаҳримизнинг ободончилиги, тозалик-озодалик учун уззу-кун курашаётган ташкилотлар, шу соҳада заҳмат чекаётганлар меҳнатига ҳам ачиниб кетасан киши. Азим шаҳар кўчаларидан тортиб хиёбонларгача, турли идора, ташкилот, муассасалардан тортиб бозор майдонларигача супуриб-сидириб туришнинг ўзи бўлмаса керак.

Шаҳарларни бунёд этган ота-боболаримиз «сувга тупурма!» дея бизга тарбия беришган. «Ноннинг увоғи ерга тушса гуноҳ бўлади, дарҳол олиб кўзингга сурт!» деб онгимизга сингдиришган! Бир кун келиб авлодлари дуч келган жойга нос туфлаб ё писта пўчоғини пуфлаб кетаверишини хаёлларига келтиришмаган бўлса керак.

Бекатлардан бирида писта сотаётган аёлнинг ёнидан ўтаётиб, бир лаҳза тўхтадим. Аёл мени навбатдаги харидорим деб ўйлади шекилли, савол назари билан қаради. Бировга насиҳат қилишдан оғири йўқ. Қолаверса, бу опахондан қанақа жавоб олишимни биламан. Истеҳзоли кулади. Борингки, битта шу пистачи инсофга келгани билан аҳвол ўнгланиб қолармиди? Ҳар бир мактаб, ҳатто боғчалардан беш-ўн қадам нарида қоп-қоп писта сотаётганларга нима дейсиз? Қолаверса, писта чаққиси ё сақич чайнагиси келганлар бозордан исталганча сотиб олавериши мумкин... Умуман писта, сақич, нос ва папиросларни шаҳримиздан таг-туги билан йўқотиш орқали ён-атрофни тоза-покиза сақлаш мумкинми? Йўқ! Биринчидан, уларни истеъмолдан бутунлай йўқотишнинг иложи бўлмаса, иккинчидан, бирига барҳам берганинг билан иккинчисини «кашф» этаверишади...

Хўш, унда қандоқ йўл тутган маъқул? Ўзлигимизни, миллий қадриятларимизни, ота-боболаримиз тарбиясининг моҳиятини англаб етсакина бирор натижа чиқар?...

Тўлқин ЭШБЕК.

Шахмат

ЮЛДУЗ ФИДЕ НИГОҲИДА

Жиззахлик ёш шахматчи Юлдуз Ҳамроқулова ҳозир ўн икки ёшда. Боғча ёшида чоғларидаёқ спортнинг шахмат тури билан қизиқди. Ёш, иқтидорли қизчанинг шахмат ўйинига бўлган қизиқишини ўстириш ва тарбиялашда унинг падари бузруквори Ойбек Ҳамроқуловнинг таъсири катта бўлди.

Худо берган иқтидор ва мақсад йўлида тинмай қилинган ҳаракатлари уни ёшлар ўртасида икки карра Ўзбекистон чемпионлигига сазовор этди.

Ўтган йилнинг октябрида Испаниянинг Оропеса Дел-Мар курорт шаҳрида 18 ёшгача бўлган шахматчи ўсмир болалар ва қизларнинг навбатдаги жаҳон чемпионати мусобақалари якунланди. Юлдуз ушбу чемпионатнинг 12 ёшгача бўлган шахматчилар гуруҳида фаол қатнашиб, 116 нафар чемпионликка даъвогарлар орасида тўққизинчи ўринни эгаллади.

Наврўз маҳаллалик Юлдуз Халқаро шахмат Федерацияси - ФИДЕнинг дипломи билан тақдирланди. Маълумки, бундай юксак ҳужжат Жаҳоннинг энг кучли шахматчилари биринчи ўнлиги таркибига кирган кишиларгагина берилади.

Анвар ИМОМОВ.
Жиззах вилояти.

Вилоятимизда қайсидир йили хотин-қизлар ўртасида ажойиб кўрик-танлов ўтказилганида, уйчилик хотин-қизлар антиқа саҳна кўриниши намойиш этишганди.

Наманган

«КАШТАНГНИ СУВГА ОҚИЗ...»

Ўтмиш кўзгуси

Маҳалла аёллари бир ҳовлига йиғилишиб, катта дарахт соясида ҳар ким ўз юмуши билан машғул бўлади. Кимдир кашта тикяпти, кимдир рўмолча тўқияпти... Бир келинчак аста хиргойи қила бошлайди. Қўшиқ авж олиб давра ўйинкулгу, шўхликларга бурканиб кетади. Келинчаклардан бири аста келиб ўсмир қизнинг тикиб тугатган каштасини олиб қочади. Қий-чув, кулгу. Қиз уялиб кимнингдир ортига яширинади. Келинчак «Қаранглар, тап-тайёр чевар бўпти-қопти» дея унинг каштасини кўз-кўз қилади. Кашта қўлдан-қўлга ўтади.

- Бўлди, бир уйни бемалол «гуллатади». Жойини топиб узатиш керак! - дейди бир аёл. Қаҳқаҳа кўтарилади. Кашта энг кекса аёл қўлига бориб тегади. Кампир узоқ термулиб томоша қилади. Сўнг ўрнидан туриб қизнинг пешонасидан ўпади:

- Баракалло қизим, қўли гул бўлибсан. Қани, омийн, бахтинг очилсин, оллоҳу акбар!.. Биринчи каштангни сувга оқиз...

- И-е нимага? сўрашади аёллар.

- Таърифи узоқ-узоқларга етсин...

Ҳа, бу саҳна кўринишида тарихий ҳақиқат яширин эди. Шунақа урф-одатларимиз бўлган. Бундай

Ўзбек миллий каштачилиги чинакам халқ амалий санъати ҳисобланади. Унинг қадимий турлари ҳам авлоддан авлодга ўтиб сақланиб келган. Энг ҳаяжонлиси, қадимда ўзбек аёлларининг ҳаётга муносабати, турмушга гўзаллик бахш этиш истаги каштачилик санъатида намоён бўлган.

Ўзбек кашталарида ўсимликсимон, геометрик ҳамда гул нақшлари кўпроқ акс этади. Ана шундай ажойиботлар малла матоларга тикилган. Ҳаммаси қўл кучи ва юксак зеҳн билан бажарилган.

Каштачилик маҳсулотларининг энг қадимий нусхалари бизгача сақланиб қолмаган. Каштачилик кенг ривожланган ҳудудларда эътибор тасвирий санъатнинг катта таъсири борлиги сезилади. Каштадўзларга тасвирий андозалар тайёрлаб берилади. Бу кашталарнинг бадиийлигини оширган. Қарангки, каштачиликнинг қимматбаҳо тошлардан ҳам фойдалана билгани, жун, ипак, зар ва кумуш суви берилган иплар ишлатилгани киши қалбини завққа тўлдиради, ҳайратлантиради.

Мен - музейнинг ходимаси сифатидагина эмас, ўзбек аёли сифатида ҳам ўтмиш аждодларимиз, момоларимиздан мерос бўлиб келаётган каштачиликнинг ривож топиши, келажак авлодга етказилишига ўзимизнинг бурчимиздеб ўйлайманё Миллийлигимиз кўзгуси бўлган, урф-одатларимизнинг ажралмас қисми - амалий безак, каштачилик санъатининг ҳамиша қадри баланд бўлиб қолишига умид қиламан.

Розия ПЎЛАТОВА,
Вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими.

Адашган қор...

Сурхондарё

ТЕРМИЗДА ТУХУМ НЕГА АРЗОН?

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларда бўлгани каби паррандачиликни ривожлантиришнинг янги имкониятлари очилди.

Сурхондарё вилояти Термиз тумани паррандачилик фабрикаси ҳам кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар кўтаришга эришди. Фабриканинг ишчи ва хизматчилари ижобий ўзгаришларнинг барчасини корхона раҳбари Холмурод Нормуродовнинг ишчанлиги, тадбиркорлиги туфайли деб ҳисоблашади.

- Бу ерга ишга келганимда аҳвол ҳақиқатдан ҳам танг эди. Товуқларга озуқа, айниқса витаминли озуқалар етишмасди. Оқибатда товуқлар сони 380 мингтадан 90 мингтага тушиб, 500 нафар ишчи-хизматчиларнинг қарийб 400 нафари ишсиз қолган эди. Биринчи галда озуқа таъминотини яхшилашга эришдик. Ҳозирги кунда паррандалар сони 269 мингтага етди. Ўтган йили 21,5 миллион дона тухум етиштирдик. Парҳез гўшт етиштиришда ҳам натижалар ёмон эмас.

Фабрикада жўжа очиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ўтган йили фабрика инкубацияларида 464 мингта жўжа жонлантирилди, шундан 59700 таси сотилди. Инкубация ишчиларидан Нодира Ҳайитова, Норсултон Авазова, Нигора Жўраева, Саодат Аброевалларнинг меҳнатлари таҳсинга сазовор экан. Товуқларни парваришлашда Барно Нурматова, Зарифа Жўраева, Мавлуда Бобоқулова сингари ишчилар ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

- Парранда касалликка тез чалинадиган жонивор. Айниқса паррандачиликда ҳар қандай юқумли касалликни олдини олиш жуда муҳим. Арзимаган касаллик туфайли товуқлар ёппасига қирилиб кетиши мумкин. Шунинг учун уларни ўз вақтида эмлаш, даволаш бизнинг асосий вазифамиз, - дейди бош ветеринар Сулаймон Хўжамқулов.

Ҳозирги кунда фабрика очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мақомида фаолият кўрсатмоқда. Нархи 200 сўм бўлган ҳар бир акция учун акциядорлар ойига 160 сўмдан дивиденд олмоқдалар. Ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилгани эвазига ўтган йили корхона мўлжалланган анча кўп фойда кўрди.

Бугунги кунга келиб корхона Лимонзор маҳалласи фаолиятига ҳам ёрдам бермоқда. Кам таъминланган оилаларни, ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий муҳофазалаш, байрам ва айёмлар муносабати билан тантаналар уюштиришда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Хуллас, Термиздаги паррандачилик очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти парҳез гўшт, тухум маҳсулотлари билан яқин-йироқдаги харбий қисмлару болалар боғчаларини тўлиқ таъминлаб турибди. Аҳоли ҳам арзон ва сифатли маҳсулотдан баҳраманд бўлмоқда. Шунинг учун, мободо Термиз томонга йўлингиз тушиб қолса, бу ерда тухум нега арзон экан, деб ҳайрон бўлиб юрманг!

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Гап орасида

БАЛАНДЛИГИ ЯРИМ КИЛОМЕТР

Газетхонлардан бири таҳририятга мактуб йўллаб жаҳондаги энг баланд бино қаерда қурилган ва бундан кейин ундан ҳам баландроғи бунёд этиладими, деб сўрабди.

Ҳозирги кунга қадар дунёдаги энг баланд бино Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида қурилган бўлиб, унинг баландлиги 452 метрга тенг. Бу нарса ҳар соҳада биринчиликка интилувчи америкаликларга тинчлик бермаётган кўринади. Шу боисдан ҳам Нью-Йоркдаги глобал тараққиёт жамғармаси баландлиги 506 метрли осмонўпар бино қуришни режалаштирган. Бу улкан бинони Далласда (Техас штати) бунёд этишни мўлжаллашаяпти. Ушбу режани амалга ошириш учун Федерал авиабошқарма билан келишишга тўғри келади, чунки 60 метрдан баланд қуриладиган биноларга шу бошқарма розилик бериши лозим.

57 ЙИЛДАН СЎНГ

Америкалик собиқ денгиз пиёда аскар Чак Херлернинг бундан 57 йил аввал йўқотган ҳамёни топилди. Аслида воқеа бундай бўлган эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Чак Веллингтонда (Янги Зеландия) хизмат қилган бўлиб у бу ерда бир қиз билан танишиб қолади. Қиз Чакни ота-онаси билан таништириш мақсадида уйига тушлик қилишга таклиф қилади. Ҳарбий қисмга қайтганида Чак кармонини эсидан чиқариб қолдиргани ёдига тушди. Уни бориб олишнинг иложи бўлмади, чунки ўша куни кечқурун уларнинг қисми Янги Зеландияни тарк этади. тўғри келди. Ҳамён Чакнинг ёдидан умуман кўтарилиб кетган эди, деб ёзади «Ньюс Баттери» газетаси. Ўша мамлакатли аёл Луиз Алистон уйидаги диванниинг қопламасига тиқиб қўйилган кармонни кўриб қолади ва унинг ичидаги қутичадаги Чак Херлернинг расми ва ҳужжатларига кўзи тушади. Бу нарсаларни ҳаммасини аёл почта орқали Америка элчихонасига жўнатади. Дипломатлар ҳозир Иллиноис штатида яшаётган собиқ денгизчи аскарни топиб унга ҳамёнини топширишди.

САХИЙ ЎҚУВЧИ

Молдавиянинг Бельц шаҳридаги мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Таня ўзининг сахийлиги билан мактаб ўқувчилари орасида шуҳрат қозонди. У ким билан яхши муносабатда бўлса унга ҳар хил ширинликлардан тортиб ўйинчоқларгача олиб борадиган бўлди. Икки дугонасига ҳатто 430 лейдан пул инъом қилди. Бундай маблағни ҳар қандай катта киши ҳам бир ойда ишлаб топа олмайди бу ерда.

Маълум бўлишича, мактабдаги бу «бойвучча» ота-онаси яшириб қўйган пулларини топиб олган экан. Бир неча кун ичида Таня минг долларга яқин пулни тарқатиб юборибди. Бу ҳодисадан сўнг Танянинг ота-онаси анча сергак тортишди...

Маънавий қиёфа

САВОБНИНГ ТАГИ ТЕШИКМИ?

ёхуд халқ кўзи - Оллоҳ кўзи эканлиги хусусида мулоҳазалар

Бир қарашда қачон, қаерда, кимлар иштирокида содир бўлган бу ишлар, деган савол туғилиши табиий. Лекин биз бир оғиз ибора билан бунга жавоб берамиз: бундай иш ҳар замонда, ҳар маконда воқе бўлиши мумкин. Ва шубҳасизки, унинг қаҳрамонига ҳар ким, яъни ҳар биримиз айланиб қолишимиз эҳтимолдан холи эмас.

Ҳамкасблар интизомсиз ходим устидан тинмай шикоят қилишар, рапортлар ёзишарди. Ходим маълумотсиз бўлса-да, касбида озгина малака ва тажриба орттиргани учун бошқа интизомларга унча парво қилмасди. У билан бир неча марта суҳбат ўтказилди, танбеҳ айтилди. Ходим интизомида ўзгариш бўлмади. Унинг устидан яна рапортлар тушди. Охири чора кўрилди. Ходим бундан ҳам хулоса чиқармади. Навбатдаги жазо қўлланган кейин ҳам ходим интизомида ижобий ўзгариш бўлмади. Табиийки, бу ҳолатнинг ишга салбий таъсири яққол сезилди.

Ниҳоят, меҳнат қонунига мувофиқ ходимни ишдан бўшатишга розилик сўраб бошланғич касаба уюшма ташкилотига мурожаат қилинди. Касбдошнинг қусурларидан «тўйиб» турган ташкилот ҳам уни бўшатишга дарҳол розилик берди. Шу пайтгача нимагадир суяниб, бепарво отдан тушса ҳам эгардан тушмай юрган ходимнинг эс-ҳуши жойига келгандек бўлди. Лекин ғишт қолипдан кўчганди. Ходим бир неча бор раҳбар ҳузурига киришга чоғланди, аммо юраги бетламади. Ахир нима ҳам дея олиш мумкин, ўзи бирор илинжни қолдирмаган бўлса...

Ходимни виждонимни ёки бемаврид ғурурининг азобими, нимадир қийнаётганини раҳбар тушунарди. Шу сабаб бўлдими, ҳар қалай ёши бир жойга бориб қолган ходимга раҳми келиб, меҳнат дафтарчасига доғ тушмасин дея, уни меҳнат тўғрисидаги қонуннинг жазо белгиланган тегишли моддаси билан эмас, балки оддийгина ўз хоҳиши билан бўшатишга розилик билдириб савоб иш қилмоқчи бўлди. Ходим ҳам дарҳол ариза ёзиб берди. Ходимга интизомий жазолар қўллаш ҳақидаги барча қоғозлар ҳужжатхонага кетди.

Орадан ойлар ўтди. Собиқ ходим бошқа ишга киролмади, тўғриғоғи уни олишмади. Кейин у битта-яримта обрўли жойларга бориб «Раҳбар сағал қизишмароқ, гапни тушунмайдиганроқ эди, шунинг учун жаҳл устида шартта ариза ёзиб чиқиб кетганман, энди ўйлаб қарасам аччиқ устида нотўғри қилган эканман, жойимга қайтишим керак», дея гап тарқатди. Бу гаплар натижасида у «оппоқ», раҳбари эса «олақарға» бўлиб ясалди. Игво-бўҳтонлар уруғ олиб, охири раҳбарни прокурор чақиртирди. «Тўғри, сиз катта инсончилик қилгансиз, ишдан юзини шувут қилиб жўнатмай, дегансиз. Лекин энди ходимингизни қайта тикламасангиз бўлмайди», - деди прокурор. «Мен ваъда беролмайман, аммо ҳурматларингиз учун жамоани кўндиришга ҳаракат қиламан, кўндиролмасам, ҳамма томонни текшелаб масалани ҳал қиламан» жавоб берди раҳбар.

Жамоа аъзоларининг фикри эса қатъий бўлди: - «Собиқ ходимнинг айблари керагидан ҳам ортиқчазиёдлигини ва унга нисбатан қонун талабларига тўла риоя қилинган ҳолда чоралар кўрилганлигини биламиз. Қолаверса, раҳбарнинг инсонийлигига жавобан ўта мунофиқлик, ноинсофлик юз берган. Ҳатто шунинг ўзи туфайли ҳам ушбу масалани кўтаришда ҳеч қандай маъно кўрмаяпмиз» дедилар.

Хуллас, собиқ ходим қайта ишга тикланмади. Аммо иш бу билан тугамаганлиги тез орада маълум бўлиб қолди. Раҳбарни вилоят ҳокимиятидан ўта масъул лавозимдаги одам ҳузурига чақирди. У гап нимадалигини эшитишни ҳам хоҳламади: - «Биз айтгандан кейин ишни бажариб, ходимни жойига қўйинг-да» деди кескин. Бундай муносабатни раҳбар кутмаган эди, шунинг учун ҳам ниҳоятда ҳайрону лол қолди, лекин барибир масъул лавозимдаги кишига қонун бўйича иш тутилганлигини исботлаб берди.

Хуллас, холис ният ила инсонни қадрламоқчи бўлган, собиқ ходимга нисбатан эзгулик кўрсатдим деган маънода дили ёришиб юрган раҳбар кези келганда қонун талабини маҳаллий маъмурларнинг кўрсатмаларидан ҳам устун қўйишга ўзида куч топа олди, муте эмаслигини кўрсатди, айтган сўзи ва амалида собит бўлди, юқоридан кимларнингдир ғазабига учраб айрим ғаламисларнинг қувончига сабаб бўлса ҳам одамлар ва жамоа ўртасида иззат-обрўсини сақлади. Муҳими ҳам шу эмасми?

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ,
журналист.

Маҳалламиз аёллари қаҳ-қаҳаси

СИЗ КИРГАН ДАВРАЛАР ИФОРАЛИ...

«Қалбингга гул экканмидинг, лабларингда очилибдур!» дейди шоир. Бу сатрларни ўқигач, табассум қилиб турган Аёл тасаввурингизга кириб келади, шундай эмасми?! Қай оилада кулиб турган ой-чеҳра борки, унинг эгаси меҳру муҳаббатдан куч олади, умрдошига суюмли бўлмоқ истагида яшайди, садоқат отлиғ туйғуни авайлаб-асрайди. Соҳибаси сертабассум хонадон файзли ва тароватли, аёллари кулиб турган мамлакат эса саодатлидир!

Аслида биз азал-азалдан ажаб феълли, бироз қизиқчи халқмиз. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, ҳаммасининг кўнглида ҳазил-ҳузулга мойиллик бор. Қувноқ аёллар кирган давраларга майин ифор, хуш табассум ҳам эргашиб киради. Уларнинг ҳаётида учраган ажойиб ҳангомалардан тингласангиз борми, сизнинг ҳам чеҳрангиз ёришади, қалбингиз ёришади. Кулгу ҳамроҳингизга айланади.

СИЗ «ЎЗИМИЗНИКИ»СИЗ

Шукур полвон аёли Марина билан бундан йигирма саккиз йил олдин аскарликда топишган эди. Бу немис қизни маҳаллага келгач, аёллар ўша куниёқ ўзбекча кийинтирдилар, отиниям Майрамхон бўлсин, дейишди. Майрамхон бинойидай уй бекаси бўлди-қўйди. Боласеваргиги, уй тутиши Шукур полвонга хуш келадиню, бу аёли тушмагурнинг ғалати феъли бор-да. Тўй-тўйчиқ борми, маърака борми, аралашиб-қуралашиб юрган эрининг ёнига ҳеч тап тортмай бораверади. «Қорнингиз тўқми?», «Чой ичдингизми?», «Режимингиз бузилмадими?» деб сўрайди. Сўнг «Тағин ёнингиздагиларга қўшилиб кўп ичиб қўйманг!» дея тергайди, дўстлар олдида хижолатга қўяди.

Бир куни Шукур полвон кўнглига яқин уч-тўрт оғайнисини меҳмонга чақирди. Майрамхон асалдайгина қилиб шўрва пиширди. Ўзбек борки, олдига шўрва келса, уни ичишдан олдин қошиқ солиб бир айдантириб қўради. Меҳмонлар қарашсаки, ҳар бирининг косасида чумчуқнинг бошидай бирикки бўлакдан гўшт, мезбонникида эса иликлигина, сергўшт суяк дўппайиб турибди. Ўтирганлар бир-бирига киши билмас им қоқишди. Шукур полвон буни сезди. «Муруч олиб келайин» деб ичкарига йўналди. Сўнг Майрамхонни қойиди: «Овқатнинг сарасини меҳмонга сузгин, одатимиз шунақа, деб неча марта айтганман, сенга?!»

Майрамхон қўлларини белига қўйиб, ичкаридагилар эшитсин деб атай товушини баланд кўтарди: - Айланай эр, сиз ўзимизникисиз, бошқалар билан менинг нима ишим бор?!

КЕЛИНЧАК ДУВ ҚИЗАРДИ...

Хумой кампир келинлик чоғларини эсласа, «Оҳ, у пайтлар



қайноғамнинг олдида хўб қизарганман-да!» деб қўяди. Нега дейсизми? Болалигидан қолган бир одати бор экан. Кўзига ким кўринса, ўшанга иш буюраверар экан. «Уни обкелинг, буни обкелинг...» Бир куни бешик ёнида боласини эмизиб ўтирса, ҳовлида биров юрганини сезиб буюрибди:

- Ҳой, ким бўлсангизам, офтобда турган тувак билан сумакни ола келинг!

Бир пайт қўлида ҳалиги нарсалар, эшикда катта қайноғаси турганмиш. Келин эмасми, ҳам уялиб, ҳам шошиб қолибди:

- Вой ўлай, қайноғаммисиз, жойига қўйиб кела қолинг, ўзим бориб обкелармам...

АЁЛИНИ «СОТИБ» ОЛГАН

Болта агрономнинг хўб ажойиб боғи бор. Хўжаликка келган меҳмон борки, шу боғда бир кун тунаб кетади. Бир куни раис бобо битта хорижлик кишини агрономникига бошлаб келди.

- Меҳмонни зериктирмайсиз-да, Болтавой, - деб тайинлади.

- Ий, ёнида тилмочи йўқ-ку, қандоқ гапиришаман?

- Бемалол сўзлашаверинг, ўзбекчанниям биларкан, у, - деди раис.

Дастурхон устида суҳбат қуюқ бўлди. Бир вақт агрономнинг аёли сопол лаганда қип-қизил, хушбўй палов келтирди. Меҳмонга кўзи тушгач, қўлини кўксига қўйиб, одоб билан «Хуш келибсиз?» деди. У кеттач, меҳмон ҳавасланиб сўради: - Сизларда уйланиш масалалари қандай?

- Ҳа, биздами... Биз аёлларни пулга сотиб оламиз, - деди агроном, сўнг уйи томон ишора қилди: - Мана шу янгангизни етти минг сўмга олганман.

Болта агрономнинг таътилга келган студент ўғли чой опкираётиб отасининг гапини эшитди. Агрономга ер остидан норози боқди. Сўнг меҳмонга жилмайиб деди: - Узр. Отам ўтгиз йил аввалги гапни айтаётибди. Ҳозир бундай эмас.

Ўғли нима демоқчилигини агроном ўзича тушунди. Гап оҳангини бироз ўзгартириб, «хато»сини тузатган бўлди:

- Ҳа, бу ўша пайтларда эди, аёлларимиз ҳозир жуда қиммат туради. Ўзларинам унча-мунча пулни назарларига илишмайди-да! - деди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

АНА ХАЛОС!

77 ЁШЛИ «КЕЛИНЧАК»

Рейтер агентлигининг хабарига кўра муҳаббат ёши танламайди деган қадимги нақлни 22 ёшли эрон фуқароси яна бир карра исботлади. Бу йигитнинг хотини бўлишига рози бўлган аёл ундан анчагина катта яъни 77 яшар. Уларнинг никоҳини қайд қилган ходимнинг айтишича, ҳар иккаловининг соғлиқлари яхши, эр-хотин бўлишларига монелик қиладиган ҳеч нарса йўқ. Эронда ва умуман кўпгина мамлакатларда ёши ўтганроқ эркакларнинг ўзларидан анча ёш аёлларга уйланишлари одатий ҳол. Аммо ёши катта аёлларнинг набираси тенги йигитга турмушга чиқиши камдан-кам учрайдиган ҳолат. Бу ҳодисанинг бошқа бир сабаби ҳам бўлиши мумкин. Эрон қонунларига кўра турмуш қурган йигитлар армияда икки йил эмас бир йил хизмат қиладилар. Эҳтимол бу ажабланарли никоҳга шу нарса сабаб бўлгандир.

Яхшилар гулшани

ШУ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Буюк бобомиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг қуйидаги шоҳ сатрларида мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқаросининг кўнглида бугун рўёга айланган орзу-умидлари мужассам ўз ифодасини топгандек:

Ҳар тунунг қадр ўлубон,
Ҳар кунунг Наврўз ўлсун.

Истиқлол шарофати, виждон эркинлиги чинакам қарор топган Ўзбекистонимизда тарихий воқеаларга бой, инсон манфаатларига хос, қимматли ҳар кунимизнинг қадри беназир, беқиёсдир.

Куни кеча мамлакатимиз бўйлаб, ҳамма шаҳар ва қишлоқларда катта байрам қилиб ўтказилган улуғ Қурбон ҳайити айём кунини олайлик. Унинг қадри, файзи, мўмин-мусулмонлар билан бирга барча халқ вакилларининг бирлашуви, дийдор кўришиш кўлами Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори билан янада сарафроз бўлди.

Шунчалик ғамхўрлик, имконият яратилишидан рағбатланган мамлакатимиз халқи, каттаю кичик ҳашарлар уюштириб, кўча-кўйларни, қабристонларни, масжид ва бошқа жамоат бинолари, хонадонлар атрофини, маҳаллаларни тоза, озода қилиб, дарахтларни бутаб, саранжом-сариштта қилиб қўйдилар. Байрам арафаси ва байрам кунларида маҳаллаларда, ишхоналарда кам таъминланган оилалар ҳолидан, қариялик ва меҳрибонлик уйларидан хабар олинди. Меҳри дарё ота-оналар ўғил-қизларини томошагоҳларга, сайилгоҳларга олиб бориб ширинликлар, турли ёдгорлик совғалари билан сийладилар.

Фикримизнинг тасдиғи учун ўтган йилларда Ҳаж зиёрати чоғидаги, табаррук Макка заминидаги бир суҳбатга эътиборингизни жалб этсам.

Жами ҳожилар Арофатда жам бўлган палла. Ўзбекистонлик ҳожилар ўзлари учун махсус тикилган чодирларда Оллоҳга ҳамду санолар ўқиб ўтирардик. Салом бериб уч нуроний отахон кириб келди. «Байроғингизни кўриб кириб келдик», - дейишди.

- Сизларга ҳавасимиз келади - деди, улардан бири, - мамлакатлар оша бир амаллаб етиб олдик. Тошкент аэропортида ҳожиларингизга бўлаётган муносабатни эшитиб лолу ҳайрон бўлиб қолдик. Мана ҳурмат, мана иззат. Разм солсам, ҳожиларингиз кетадиган кун йўлларда ҳожилар тушган автобусларни йўл ҳаракати хавфсизлиги учун мутасадди ташкилотларнинг амалдорлари кузатиб келар экан. Аэропортда эса давлат вакилларидан тортиб, барча турдаги ходимлар хизматда. Ҳожиларга чамадонларини ҳам кўтартиришмайди. Декларациягача ходимлар тўлғизган. Ҳожилар эса ором топиб, самолётга юзларида нур билан савлат тўкиб чиқиб кетишади. Бизчи, ҳар мамлакатга борганда онанг яхши, отанг яхши деб, ҳар кимга ялиниб не азоблар билан етиб келдик.

Меҳмонлардан яна бири диёрингизда Ҳажга келиш тартиби қандай, деб сўраб қолди.

Уларга қисқача қилиб Ҳаж мавсуми бошидан охиригача давлатнинг ҳимоясида ўтказилишини айтиб бердик.

Меҳмонлар фотиҳага қўлларини очиб, кўзларида ёш билан мана шу хайрли ишларда бош-қош бўлиб турган мамлакатимиз раҳбарларини узоқ дуо қилишди ва яхши биламизки, сизларнинг ҳожиларингизга яратиб берилаётган қулайликлар ҳали бирорта замонда, ҳеч ким томонидан қўлланган эмас, деб эътироф этишди.

Оллоҳга шукурки, мустақиллигимизнинг ўн йиллигига ҳам етиб келяпмиз. Байроқдоримиз ташаббуси билан қўлга киритилган Оллоҳнинг неъмати - Мустақилликнинг дастлабки онлариданоқ Наврўз ва ҳар иккала ҳайит халқимизга қайтиб берилди.

Тарих ҳақиқати ақлнинг чархи

Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ

«Нукта фасоҳатда мунаққах санга»

Ҳа, чиндан ҳам ноёб! Кўзларга суртадиган даражада ноёб! Қайси сурат десангиз, бу «Пайғамбар ўз саҳобалари билан» деб номланган сурат. Ушбу расм Алишер Навоий «Хамса»сининг машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан XV аср охирларида кўчирилган қўлёзмада мавжуд. Ҳозир у қўлёзма Англиянинг Виндзор шаҳридаги Қирол кутубхонасида сақланмоқда. Бу расмни эса Алишер Навоий асарларидаги қўлёзмалардан териб тайёрланган ва нашр этилган альбомларда, шоир «Мукаммал асарлар тўплами»нинг 7-томи - «Ҳайратул-аброр» достони нашрининг (Тошкент, 1991 йил) 41-саҳифасида ва бошқа нашрларда кўриш мумкин.

Гап шундаки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг таълимотигагина эмас, шахсиятига ҳам қизиқиш ҳамма асрларда ғоят кучли бўлган. Бунга ёркин бир мисол улуғ ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий (IX аср) томонидан « Аш-шамойил ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») номли асарининг яратилишидир. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми пайғамбарнинг сурат (ташқи қиёфа)ларини, иккинчи қисми ул Зоти шарифнинг ички дунёси ва ахлоқий фазилатларини баён этишга бағишланган. Жумладан, унинг муаллифи ат-Термизий тўртинчи халифа Ҳазрат Али сўзларига асосланиб, асарнинг биринчи қисмида пайғамбаримизнинг баъзи аъзолари тузилишлари ҳақида шундай дейди:

«... Расули Аъзам (с.а.в.) на зиёда узун эрдилар ва на қисқа эрдилар. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эрди. Муборак бошлари катта эрди ва аъзо бўғимлари, ҳар икки суякларининг қўшилган ери йўғон эрди. Сийналаридин киндикларига қадар узун ва ингичка мўйлари бор эрди. Қачон юрсалар, баландликдин пастликка тушиб турган каби маълум бўлур эдилар». (Абу Исо ат-Термизий. «Аш-шамойил ан-Набавия». Тошкент, 1993, 23-саҳифа, таржимон У.Уватов).

XV асрга келиб Алишер Навоий яшаган ва фаолият кўрсатган даврда пайғамбаримиз шахсиятини билиш ва ўрганишга қизиқиш янада ортган. Навоий «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»да пайғамбаримиз ҳаёти, фаолияти мадҳига бешта наът бағишлаган. Одатда шоирлар бир наът ёзиш билан чекланишар эди. Улуғ шоир пайғамбар фаолияти ва шахсиятининг турли қирраларини қизиқарли ёритиш билан бирга Султон Али Машҳадий кўчираётган қўлёзмага у кишининг ўз саҳобалари билан суҳбат қилиб ўтиргандаги ҳолатлари расмини чиздирганлар. Ҳозирча бу расмни ким ишлагани аниқ маълум эмас. Ушбу расмни яратишдан олдин унинг муаллифи ул Олий зот ҳақида ёзилган китоблар билан танишган ва улардаги маълумотларга суянган ҳолда бу ишга қўл урган.

Расм, албатта, XV аср Ҳирот маданий ҳаёти, қарашлари асосида, маълум даражада шартли услубда чизилган. Пайғамбар (с.а.в.) ўз саҳобалари билан фаолияти кечган Арабистон географик-табиий муҳитида эмас, балки Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигига хос ҳашаматли бир масжид саҳнида тасвирланган. Мусаввир ул Олий зотни ўлтирган ва бошидан, елкасидан алангасимон нур чиқиб турган кўринишда тасвирлаган. Саҳн тахминан йигирма беш градус вертикал ҳолатда гавдалантирилган бўлиб, қуйироқда эса пайғамбарнинг тўрт халифаси ўтиришибди. Атрофда яна бир қанча саҳобалар уларнинг хизматларида тик туришибди...

Мусаввир бунда Пайғамбар (с.а.в.) нинг ташқи ҳолати билан бирга унинг ички дунёсини тасвирлашга ҳам аҳамият берган. У киши улуғвор ва сокин ҳолатда ўз саҳобаларига ғоят муҳим бир мавзуда ваъз айтмоқдалар. Ўлтиришлари камтарин ва кийинишлари ялтироқликдан узоқ. Саҳобалар эса ул табаррук Зотнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингламоқдалар. Бу расм ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин ушбу сурат аниқ-таниқ достондаги тўртинчи наътга илова этилган. Бу наътнинг бошланғич қисмида пайғамбаримизнинг нутқлари ниҳоятда чиройли ва ҳаққоний, равшан ва таъсирли бўлгани ҳақида қўлёзманинг ушбу варағида, расмнинг юқори қисмида Навоий томонидан шундай мисралар битилганки, буни ушбу расмга эпиграф маъносида қабул қилиш мумкин:

Нукта фасоҳатда мунаққах санга;
Шоҳиди даъво: «ана афсаҳ» санга.
Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг саҳих,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ.
Нутқ аро чун зоҳир ўлуб муъжизинг;

Аҳли фасоҳат бўлубон ожизинг...

Бу мисралар ушбу суратдаги пайғамбаримизнинг нотиқлик хусусиятларини тарихий аниқлик билан изоҳлаб беришга қаратилган. Наът сарлавҳасида эса ул шариф Зотнинг ўзи билан бирга суҳбатдошлари халифалар (Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, «Қуръон»га хизмат қилган Усмон, Ҳазрат Али) «Кавкаби рахшанда» («Ёруғ юлдуз»)лар деб таъриф этилган:

«Ул рисолат сипеҳрининг рифъатида ва барча оламни сипеҳридек ихота қилғон қудратида ва асҳоби бобидаким, ҳар бирига ул сипеҳрда бир кавкаби рахшандалиқ содиқ дурурки, «азҳоби кан-нужум» бу мазмунга нотиқ дурур».

Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Алишер Навоий ўз даврида бадиий адабиёт билан бир қаторда маънавий ҳаётнинг муҳим бир тармоғи бўлган тасвирий санъатнинг ривожига ҳам катта аҳамият берган ва санъатнинг бу турини инкор этувчиларнинг фикрларини амалда рад этган.

Баҳор илҳомлари

ҒУЛОМ МИРЗО.

ЮЛДУЗЛИ ШЕЪРЛАР

(Туркумдан)

Юлдуз учди
Мунча ногаҳон,
Мисли нурсиз, бефараҳ осмон
Йўлакларни ҳувиллатганча,
Юлдуз учди...уйига томон.

Юлдуз учди уйига томон,
Митти юлдузчасин ёнига.
Биз - ҳайрон,
бизда - гумон,
Текканмидик шунча жонига?...

Гулдонда гул туллайди энди,
Дилда соғинч гуллайди энди.
Келадими?
Келмайди энди?!
Юлдуз учди...
Уйига томон...

* * *

Яқинсан,
йироққа алишгим келмас.
Чақинсан,
чироққа алишгим келмас.
Насия ҳаётда учраган танҳо —
Нақдимсан,
фироққа алишгим келмас.

* * *

Лабингдаги холга бир бора ўлсам,
Қошинг ёйи икки ўлдиргай мени.

Капалак-кипригинг кўксимга қўнса,
Кипригингнинг юки ўлдиргай мени.

Кокилинг аждарин безовта қилма,
Зулфингнинг бир туки ўлдиргай мени.

Кўзларингнинг оқи оқлаб турган дам,
Қорачиғингмики, ўлдиргай мени.

Қайси фариштанинг элчисидирсан,
Сенда жамдир, неки ўлдиргай мени.

Лабингдаги холга бир бора ўлсам,
Қошинг ёйи икки ўлдиргай мени.

* * *

Тилларанг либосли қиз
Куёшга ўхшаб кетди.
Юзи - ой, кўзи - юлдуз,
Ярқираб, яшнаб кетди.

Бир боқиб биз - ёмонга,
Тун ичра қолган жонга.
Ўзи борар томонга
Кундузни бошлаб кетди.

Эркин, дуркун, ёш, хушҳол,
Потраб турган қуш мисол,
Ғуломини бемалол
Унутиб, ташлаб кетди.
Тилларанг либосли қиз...

* * *

Мен Сенинг зорингман, дунё керакмас.
Сенинг беморингман, даво керакмас.

Нафасим нафасинг ила қўшилса,
Жаннатлардан келар ҳаво керакмас.

Кокилинг еллари эркалаб турса,
На бир шаббода-ю, сабо керакмас.

Кўзинг тирилтирсин, қошинг ўлдирсин,
Бириси биридан айро керакмас.

Қошу кўзинг, сочинг, холларинг қаро,
Шулардан бошқа бир қаро керакмас.

Ажаб Мажнун бўлдим куйингда, вале
Менга Сен кераксан, Лайло керакмас.

Тизангга бош уриб саждалар қилсам,
Ғуломингга ўзга маъво керакмас.

* * *

Не учун ваъдага вафо бўлмади?
Учрашув бўлмади - сафо бўлмади.

Қошингиз қиличи ботган юракка
Мўмиё ҳоллардан даво бўлмади.

Тун бўйи тўлғондим - билармикансиз?
Сизсиз ҳаволарда ҳаво бўлмади.

Юлдузни кўкда ҳам кўрмадим. Кўк - жим.
Наҳотки осмонга жафо бўлмади?

Тун-ку кундуз билан алмашар, нечун
Фироқдан сўнг висол раво бўлмади?

Ёки ҳажр туни яратилгану,
Ҳали вуслат куни бино бўлмади!?

Бу бир кам дунёни кезиб бўзладим,
Не учун ваъдага вафо бўлмади?..

* * *

Чалғиган чоғимда пойлаб боқдингми,
Чеҳрамни ёдингга жойлаб, боқдингми?..
Кўзинг билан ипсиз бойлаб, боқдингми-
Энди ўзгинангдан бегона қилма.

Тилла занжирчангга тумор бўлойин,
Бўйнингда - бўйингдан ҳумор бўлойин.
Севиб бемор бўлсам, бемор бўлойин,
Энди ўзгинангдан бегона қилма.

Сенсиз қийин энди умр кечмоғи,
Эркимнинг бўйнида - сочинг сиртмоғи.
Ишққа қурбонликка шай бўлдим, ноғи-
Энди ўзгинангдан бегона қилма.



ТУРФА ОЛАМ

ЗЕРИККАНИДАН ЭМИШ

Ёлғизликдан зериккан 45 ёшли Янги Зеландия фуқароси 4 йил давомида ўзгаларга келган хатларни очиб ўқиш билан шуғулланган. Ўғри қўшниларига тегишли почта қутисидаги ҳамма нарсаларни олаверган. Уларнинг ичида хатлардан ташқари врачлар ёзиб берган рецептлар, турли чеклар, экзамен натижалари, табрик телеграммалари ва бошқа нарсалар бўлган.

Суд жараёнида у ёлғизлигидан жуда зерикканлигини бировларга ёзилган хатлар унга ёқишлигини айтган. Ўғри шунингдек, сайрга чиққанида ўзи билан қоп олиб юришини ва унга хатларни жойлашини тан олган. Маълум бўлишича у 50 дан ортиқ одамга тегишли нарсаларни ўмарган. Бундан ташқари у бир хонадонга кириб иккита фотоальбом ўғирлаганини бўйнига олган.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Хабаровсклик илгари ҳам судланган аёл милиция бўлинмасидаги телефон аппаратини ўғирлашга жазм қилди.

«Интерфакс-Евроазия» агентлигининг хабарига кўра ўлка ички ишлар бошқармасининг нозири аёлни терговга чақирган. Суҳбат чоғида аёл ўзининг криминал ўтмиши билан батамом ҳайрлашганини айтиб онт ичади. Шу аснода навбатчи зарур иш юзасидан хонадан бир неча минутга чиқади. Қайтиб келиб аёл билан хайрлашади. Бироздан кейин инспектор қўнғироқ қилмоқчи бўлади. Қараса, телефон аппарати жойида йўқ. У шу заҳотиёқ ҳалиги аёлнинг уйига боради ва аппаратни ўша ердан топади.

Ўрганган кўнгил - ўртанса қўймас деб шунга айтсалар керак.

ЕРНИНГ ОҒИРЛИГИ ҚАНЧА?

Газетхонлардан бири таҳририятга хат йўллаб унда у ернинг оғирлигини биринчи бўлиб ким ўлчаганлиги ҳақида маълумот беришимизни сўраган. Шу муносабат билан биз «Труд» газетасида босилган шу нарсага оид материални бераяпмиз. Ўйлаймизки, бу нарсани бошқалар билиб қўйса фойдадан холи бўлмас.

Ер оғирлигини ўта аниқлик билан дастлаб ўлчаган киши англиялик машҳур олим Генри Кевендиш ҳисобланади. Ўлчашда ҳозирги физикларга яхши маълум бўлган махсус тароздан фойдаланган. Бир неча бор ўтказган ўлчовларидан кейин шу нарса маълум бўлганки, ўртача зичликдаги 1 куб см. ернинг оғирлиги 5,52 граммга тенг экан. Кевиндишнинг ушбу кашфиёти XVII асрнинг охирига тўғри келади.

ХОТИРАНИ ПАСАЙТИРАР ЭКАН

Таллиндаги техника университети олимлари уяли телефон барибир соғлиққа зарар етказади деган хулосага келишди. Шукурки, бундай гап бир неча йиллардан бери гапирилаётган аммо ҳалигача исботланмаган қандайдир анкологик касаллик устида бормаяпти, балки эстон олимларининг фикрича унинг хотирага таъсири ҳақида бормоқда. Олимлар уяли телефонни қандай таъсир этишини студентлар орасида синаб кўрдилар. Танлаб олинган 100 нафар йигит ва қизлар махсус тестни тўлдиришлари лозим эди. Тест натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, уяли телефонни фойдаланадиган талабалар топшириқни ёмонроқ бажаришган.

Умумий хулоса шундай: Уяли телефондан чиқадиган нур кишини асабийлаштириб диққат ва хотиранинг пасайишига олиб келади.

ХОРДИҚ

— Адаси, ўзингиз айтмасангиз моддий ёрдамга тиркашмаяпти.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Дунё жудаям сирли, ғалати

БЕШ ШОХЛИ ҚЎЧҚОР

Дунё сирли ва гоҳида ақл бовар қилмайдиган ғалати воқеаларга жудаям бой эканлигини Музработ туманига келсангиз биласиз, ишонч ҳосил қиласиз. Тумандаги ат-Термизий номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Рашид Раҳматов деган кишининг қурасида уч-тўрт шохли эмас, балки беш шохли қўчқори бор. Қарангки, бу жонивор гарчанд беш шохга эга бўлса ҳамки, қурадаги бошқа қўйларга зўравонлиги йўқ. Хонадон эгалари қўчқорнинг ҳалигача бирон қўй озор берганини кўрганлари йўқ.

Ёши анчага бориб қолган Бекхон бобо, яъни Рашид аканинг отаси шундай дейди:

- Менинг ҳам, ота-боболарим ҳам чорвачилик билан машғул бўлишган. Кўп ажойиб воқеаларни кўрганмиз, эшитганмиз. Лекин ҳеч бир замонда беш шохли қўчқор бор деб эшитганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ эди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

МАТН КЎЧИРУВЧИ ХАТОЛАРИДАН

Ичувчининг парвози (учувчи)
Рашк давом этади (машқ)
Қитиқчилар учрашуви (қизиқчилар)
Қурилиш бўшлиғи (бошлиғи)
Қучоқ дўхтири (қулоқ)
Лақиллатмасдан кирилмасин (тақиллатмасдан)
Ғам олиш дастури (дам)
Говғалар дўкони (совғалар)
Лақма балиқ (лаққа)



Аҳоли диққатига!

Энергия тармоқлари идоралари шуни маълум қиладики, электрдан фойдаланганлик учун тўловни кейинги ойнинг 5-кунигача тўламаган хонадонларда электр таъминоти огоҳлантиришсиз тўхтатилади.

MAHALLA
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошидаги «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
Д. БЕКМУРОДОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди